

Аллоҳга ҳар қандай ҳолатда тақво қилиш



11:00 / 13.03.2023 2454

عَلَيْهِ لَطَقُ يَتَسَا م لَسُو هِي لَع لَل لَصَّ بِن لَانَّ أَاهُ عُهُ لَل لَ يَضَرَّ عَمَلَسَّ مُؤْنَع
نَمَّ؟ نَائِخُ لَانَم لَزُنْ أَادَامَو؟ نَتْفَلَانَم عَلَيَّ لَل لَزُنْ أَادَامَ هَل لَانَاخْبُس: لَأَقَف
يُرَاخْبُ لَاهَاوَرَّ عَخَالَا يَفِي رَاعَايُنْ دَلَا يَفِي سَاكُّ بُرَاي؟ تَارُحُ لَل بَحَاوَصُ طِقُوِي

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир кеча уйғонганларида:

«Субҳаналлоҳ, бу кеча қайси фитналар нозил қилинди? Хазиначилардан нима нозил қилинди? Ҳужралар соҳибаларини ким уйғотади? Эвоҳ! (Не-не жонлар) бу дунёда кийимли, у дунёда яланғочлар?!», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Умму Салама онамиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўз олдларида ётган кечалардан бирида уйғонган пайтлари айтган гапларини ривоят қилиб бермоқдалар:

1. «Субҳаналлоҳ».

Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан биринчи эшитган калималари «Субҳаналлоҳ» сўзи бўлган экан. Аслида эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйқудан уйғонганларида «Алҳамдулиллаҳиллази аҳяна баъда ма аматана ва илайҳин нушуур» дейиш одатлари бор эди.

2. «Бу кеча қайси фитналар нозил қилинди?»

Демак, ҳар кеча фитналар нозил қилинар экан. Инсон Аллоҳга сиғиниб, ўша фитналардан паноҳ сўраб турмоғи лозим.

3. «Хазиналардан нима нозил қилинди?»

Демак, ҳар кеча Аллоҳнинг фазли, раҳмати ҳам нозил бўлиб турар экан. Шу боис улардан ҳам насийба сўраб туриш лозим экан.

4. «Ҳужралар соҳибаларини ким уйғотади?»

Бу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам завжаи мутаҳҳаралари – оналаримизни назарда тутмоқдалар. Демак, аҳли аёлни ҳам кечаси Аллоҳнинг ибодатига уйғотиш лозим.

5. «(Не-не) бу дунёда кийимли, у дунёда яланғочлар».

Бу дунёдаги либослар оқибатга далолат қилмас экан. Бу дунёда чиройли кўринишга ҳаракат қилиб, қимматбаҳо кийимларни кийиб, фахр билан ўзини бозорга солиб, кўз-кўз қилиб юрганлар солиҳ амаллари йўқлигидан охиратда шармандаси чиқиб, яланғоч бўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Уйқудан уйғонганда ана шуларни эслаб, ҳар ким ўзига яхшилиқни сўраши лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди